

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ

Зокиров Баходир Шавкатович

Навоий давлат кончилиги ва технологиялар университети
“Электр энергетикаси” кафедраси катта ўқитувчиси,
<https://orcid.org/0009-0008-7107-4425>

АННОТАЦИЯ

Дунё тажрибасидан ўқув жараёнини виртуал тарзда лойиҳалаш (Simulations), масофавий таълим (Moodle, Ilias, Dokeos ва ҳ.к.) шакллари кенг татбиқ этиш, илғор технологияларни қўллаш билан бир қаторда таълим жараёнини рақамлаштириш, касбий фаолиятга инновацион тайёрлаш жараёнини ривожлантиришда, дастурий таълим воситаларидан фойдаланиш методикасини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, жаҳонда замонавий таълим тизими шаклланаётган бир даврда рақамли технологиялардан амалиётда фойдаланиш, виртуал технологияларни оммалаштириш, таълимнинг янги методик моделларини яратиш ва уларни таълим жараёнида қўллашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, таълим сифатини тубдан яхшилашга, белгиланган ўқув дастурларининг талабалар томонидан тўла бажарилишига, талабаларнинг шахсий қизиқишларини ортиришига хизмат қилади. Ушбу мақолада бугунги кунда талабаларга мобил дастурий воситалар орқали дарс машғулотларини ташкил этиш ҳолати ва уни ривожлантириш босқичлари ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: таълим, рақамли технологиялар, мобил дастурий восита, ахборот технологиялари, интерфаол технологиялар, медиатаълим, кўникма, малака.

СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ ОРГАНИЗАЦИИ ОБРАЗОВАТЕЛЬНОГО ПРОЦЕССА В ВЫСШИХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЯХ

Зокиров Баходир Шавкатович

Навоийский государственный горно-технологический университет
старший преподаватель кафедры “Электроснабжения”
<https://orcid.org/0009-0008-7107-4425>

АННОТАЦИЯ

Проектирование образовательного процесса в виртуальном виде (Simulations), широкое применение форм дистанционного обучения (Moodle, Ilias, Dokeos и др.) из мирового опыта, цифровизация образовательного процесса с использованием передовых технологий, в развитии В процессе инновационной подготовки к профессиональной деятельности, с программными средствами обучения все большее значение приобретает совершенствование методики их использования. Особое внимание уделяется практическому использованию цифровых технологий, популяризации виртуальных технологий, созданию новых методологических моделей обучения и их применению в образовательном процессе, особенно в период, когда в мире формируется современная система образования. Это, в свою очередь, служит коренному повышению качества образования, полноценной реализации обучающимися заданных образовательных программ, повышению личной заинтересованности обучающихся. В данной статье отражено современное состояние организации занятий школьников с помощью мобильных программных средств и этапы его развития.

Ключевые слова: образование, цифровые технологии, мобильное программное обеспечение, информационные технологии, интерактивные технологии, медиаобразование, знания, квалификация.

THE CURRENT STATE OF THE ORGANIZATION OF THE EDUCATIONAL PROCESS IN HIGHER EDUCATIONAL INSTITUTIONS

Zokirov Bakhodir Shavkatovich

Navoi State University of Mining and Technologies

Senior Lecturer of the Department of Power Supply

<https://orcid.org/0009-0008-7107-4425>

ABSTRACT

Designing the educational process in a virtual form (Simulations), widespread use of distance learning forms (Moodle, Ilias, Dokeos, etc.) from world experience, digitalization of the educational process using advanced technologies, in development In the process of innovative preparation for professional activities, with software tools training, the improvement of the methods of their use is becoming increasingly important. Particular attention is paid to the practical use of digital technologies, the popularization of virtual technologies, the creation of new methodological models of learning and their application in the educational process, especially at a time when a

modern education system is being formed in the world. This, in turn, serves to radically improve the quality of education, the full implementation of the given educational programs by students, and the increase in the personal interest of students. This article reflects the current state of the organization of classes for schoolchildren using mobile software and the stages of its development.

Keywords: education, digital technologies, mobile software, information technologies, interactive technologies, media education, knowledge, qualification.

КИРИШ

Республикамизда ахборотли таълим бўйича “таълим тизимининг барча босқичларида рақамли технологияларни кенг жорий этиш ва замонавий иқтисодиёт учун зарур бўлган рақамли билимларнинг даражасини ошириш, таълим инфратузилмасини такомиллаштириш, шунингдек, “Беш ташаббус” лойиҳасини амалга ошириш доирасида 2022 йилга қадар республиканинг барча ҳудудларида рақамли билимларга ўқитиш марказларини очиш”[1] ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори қабул қилинди [2]. Бу қарор ижросини таъминлаш мақсадида юртимиз вилоят ва туманларида ИТ - парклар, информатика ва ахборот технологияларига ихтисослашган мактаблар ташкил этиш ишлари амалга оширилмоқда. Таълим тизимида рақамли технологиялардан фойдаланиш ва ўқув жараёнида интерфаол технологияларни татбиқ этиш, бугунги кун ёшларидан юқори малакали кадр бўлиб етишиш учун интеллектуал салоҳиятли, илм-фаннинг замонавий ютуқлари асосида мустақил фикр ва мушоҳада юрита оладиган шахс бўлишини талаб этади. Ҳозирги кунда таълимнинг тараққий этишида дастурий ҳамда рақамли таълим технологияларининг кенг жорий этилиши, турли таълим ва фан йўналишларида билимларнинг жадал янгилаб борилиши, таълим олувчи талабаларнинг мустақил равишда ўз ақлий қобилиятлари ҳамда билим ва кўникмаларини ривожлантириш каби вазибаларини талаб этмоқда [3].

Таълим тизимига қўйилган асосий мақсадларимизга эришиш йўлида ўқув-услубий таъминот, педагогларнинг ўз мутахассислиги бўйича етарли билимга эга бўлиши талаб этилади. Ўқитувчидан дунё илм-фан ривожини билан ҳамроҳанг тарзда бўлиши ҳамда ўз касбий фаолиятида замонавий ахборот технологияларидан фойдалана билиш қобилияти талаб этилади. Педагогик компетенциянинг юқори даражада бўлиши илм-фан, таълимнинг ривожланиш йўлида рақамли технологиялардан фойдалана олиши зарурдир. Шу билан бир қаторда тайёрланадиган кадрларнинг касбий кўникмаларини замон талабига мос даражасида бўлишининг кафолати бўлиб ҳисобланади.

Рақамли технологияларнинг амалиётда жорий этилиши, рақамли таълим

мухитининг яратилиши, рақамли излар, рақамли воситалар, рақамли таълим терминологиясининг ривожланишини белгилайди. Ҳозирги кунда маҳаллий педагогик фан ва амалиётда рақамли таълимни ривожлантириш билан боғлиқ янги атамаларни аниқ, бир хил изоҳлаш ҳали ҳам мавжуд эмас. Бугунги кунда олий таълим тизимида фанларни ўқитишда дастурий таълим воситалари ва ахборот коммуникация технологияларидан ўқув жараёнида самарали фойдаланиш тамойиллари орқали дифференциал медиатаълимни ташкил этувчи модел ва методлар асосида мобил ҳамда масофавий таълимни шакллантириш, интерфаол ўқитиш методларидан унумли фойдаланган ҳолда талабаларнинг билим олиш малака ва кўникмаларини ривожлантириш тўғрисида маълумотлар баён этилган.

Рақамли таълимни ривожлантиришда нималарга эътибор қаратиш лозимлиги талабаларнинг мобил дастурий воситалардан фойдаланишнинг ҳозирги кундаги ҳолати ўрганилиб сўровнома ўтказилганда, қатнашчиларнинг 78,4 фоизи смартфон қурилмасини танлаганлиги, рақамли таълим ҳақидаги маълумотга эга қатнашчилар 79,7 фоизни, мобил дастурий воситалардан таълимда фойдаланиш кераклигини 94,1 фоиз қатнашчилар, рақамли таълимни қўллашда мобил иловаларининг зарурати сўровига 89,3 фоиз қатнашчилар “зарур” деган танловларни амалга оширганлиги сабабли онлайн тўғарак ташкил этилиб, рақамли таълим технологиялари асосида талабаларнинг билим доиралари кенгайтирилса, уларда ижодий ишлаш кўникма ва малакалари ҳамда ўзлари танлаган касбига қизиқишлари ривожланади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Бугунги кунда таълим тизимига рақамли таълим технологияларнинг кириб келиши, таълим оловчиларнинг ўқув жараёнига бўлган қизиқишлари ва ўзаро муносабатлари соддалашуви билан бир қаторда бевосита жорий этилиши билан ҳам изоҳлаш мумкин. Шу билан бирга таълимдаги ўзаро муносабатларнинг асосий ғояси етук ва баркамол шахсни етказиб бериш бўлиб, бунда умумкасбий фанларни ўқитишда ўқитувчи рақамли технологиялардан оқилона фойдаланиш каби чоралар кўрилоқда [4]. Бунда инсонни юксакликка ҳаракат ҳолатларини белгиланган психологик дастурлар ёрдамида амалга оширишда муҳим восита сифатида хизмат қилишини таъкидлайди. Педагогик нуқтаи назардан рақамли ўрганиш инсон тафаккурини ривожлантириш учун инсон назарида жуда кам маълум бўлган тушунмовчиликларни, илмий муаммоларни ечишда катта ҳисоблашлар орқали амалга оширади [5].

Таҳлиллардаги фикрларга асосланиб, бугунги кунда олий таълим тизимида етук мутахассисларни тайёрлашда рақамли таълим технологиялардан кенг фойдаланиш орқали таълим жараёнига тадбиқ этиш тажрибасидан фойдаланиб

келинмоқда деб мулоҳаза юритсак ҳам бўлади. Бунда бўлажак мутахассисларнинг касбий малакаларини мунтазам равишда ошириб борилиши кўзда тутилганлиги ҳамда самарали инновацион методлардан фойдаланган ҳолда амалиётга жорий этиш ушбу ишимизнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Юқоридаги илмий қарашлар дастурий таълим технологияларига асосланган таълим тизимларини ташкил этиш орқали таълим тизимини педагогик ва дидактик жиҳатдан янада намунали бўлиш ҳамда ҳар бир ахборотни синчковлик билан таҳлил қилган ҳолда фойдаланувчига мукамал тарзда топшириш вазифаси қўйилади.

НАТИЖА

Замонавий таълим жараёнининг мақсади билим, малака ва кўникмаларни ўқитувчидан талабага ўтказишда эмас, балки талабаларнинг доимий, узлуксиз ўз-ўзини тарбиялаш, тўлдириш ва янгилашга интилиш қобилиятини ҳар томонлама ривожлантиришдир. Ҳозирги кунда компютерга асосланган ўқув тизимлари анъанавий асосда ўрганиш учун ишлаб чиқилган бўлиб, янги асосда компютернинг фавқулодда имкониятларидан фойдаланишни тақозо этади. Бу одамларга кўплаб ҳодисаларни тушунишга ёрдам берадиган кучли виртуал восита сифатида, муқаррар равишда ўрганилган фактлар асосида келтириб ўтилган. Бу билан кўникмалар тўпламига эга бўлган онгни бошқарган ҳолда қул қилиш хусусиятига ҳам эгаллигини унутмаслик лозим. Бу илмий ёндашувлар ҳозирги кунда рақамли таълимга асосланган ўқув тизимларини ишлаб чиқишда педагогик ва психологик жиҳатдан янада эътиборлироқ бўлишга ва ундаги ҳар бир ахборотни синчковлик билан таҳлил қилган ҳолда фойдаланувчига мукамал тарзда топшириш вазифаси қўйилади.

Ушбу мақолада олимлар илмий ишларини ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида рақамли технологиялар асосида “Йўналишга кириш” фанини ўқитишнинг педагогик асослари қуйидагича деб белгилаш киритилди.

Таълимий асослари:

- рақамли таълимга бўлган маданий ва илмий муносабатларни шакллантириш;
- талабаларда эгаллаётган касбий кўникмаларига оид билимларини бойитган ҳолда мустаҳкамлаш;
- индивидуал билим олиш имкониятларини яратиш;
- виртуал оламга оид тасаввур ва кўникмаларни шакллантириш;
- дарс жараёнида фанлараро интеграцияни амалга ошириш;
- талабаларнинг олган билимларини ташхислаш асосида хулоса чиқаришга ўргатиш;
- мустақил таълим машғулотларини сермазмун ва самарали ташкил этиш.

Тарбиявий асослари:

- рақамли технологиялар билан ишлаш маданиятини шакллантира олиш;
- барча ахборотларни саралаш ва тўғри қарор қабул қилишга ўргатиш;
- билим ва кўникма ҳақидаги тасаввурларни кенгайтириш;
- вақтдан унумли фойдаланиш услубиётини ўргатиш.

Рақамли технологиялар асосида “Йўналишга кириш” фанини ўқитишни педагогик асослашнинг рад этиб бўлмас жиҳати шундаки – бу давр ва замон билан ҳамнафас ривожланаётган ва рақамлашаётган жамият бўлиб ҳисобланишини таъкидлашимиз лозим. Рақамлашаётган жамиятда ахборот оқимининг психологик таъсири жуда катта аҳамиятга эгаллиги, у ҳаётий фаолиятда шахс идрок ва тафаккури шаклланиши қай даражада бўлишини белгилаб бериш хусусиятига ҳам эгаллигини ҳисобга олишимиз зарур. Таълим жараёнида рақамлаштириш жараёнини замон талабидан келиб чиққан ҳолда тўлиқ шакллантиришимиз ёки мослашимиз даркор.

Таълим тизимида рақамли таълим фаолияти самарадорлигини ошириш омилларидан бири ўқув жараёнининг сифатини аниқлашга имкон берадиган ва ҳар бир таълим ташкилотининг ўқув фаолиятига объектив баҳо беришга қодир бўлган самарали таълим тизимини яратиш ҳисобланади. Сифатли таълим деганда – инновацион ҳамда мобил дастурий воситалар асосида ташкил этиладиган ўқув жараёни ҳисобланади. Бу жараёнда педагог ва таълим олувчиларнинг ягона мақсад асосида биргаликда интеллектуал мотивацион ҳаракатига тушунилади (1-расмга қаранг).



1-расм. Рақамли технологиядан фойдаланиш схемаси

Рақамли технологиялар билан ўзаро муносабатда педагогик- психологик асосларнинг профессиограммага интегратив таъсирлари ижобий ва албатта

салбий ҳолатларга олиб келиши мумкин бўлади. Ижобий ҳолатлар юқорида келтирилган таълимий тарбиявий, психологик асосларнинг қай даражада (аъло, яхши, ўрта, қониқарли ва қониқарсиз) эканлиги билан боғлиқ бўлади.

МУҲОКАМА

Дастурий таълим воситалари асосида “Йўналишга кириш” фанини ўқитишни педагогик асослашнинг яна бир рад этиб бўлмас жиҳати шундаки – бу давр ва замон билан ҳамнафас ривожланаётган ва рақамлашаётган жамият бўлиб ҳисобланади.

Рақамлашаётган жамиятда ахборот оқимининг психологик таъсири жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, у ҳаётини фаолиятда шахс идрок ва тафаккури шаклланиши қай даражада бўлишини белгилаб бериш хусусиятига ҳам эгаллигини ҳисобга олган ҳолда, таълим жараёнида ҳам рақамлаштириш жарёнини замон талабидан келиб чиққан ҳолда тезлаштириш ёки мослаштириш зарур.

Таълим жараёнида сунъий интеллектга асосланган ҳолда ўқитиш, ўқув фанига доир ўқув-услубий материаллар ҳамда фан доирасидаги тестлар асосида талабаларнинг эгаллаган билимларига қараб уларни рағбатлантириш даражаларини мобил дастурий воситалар асосида соддалаштирилади.

ХУЛОСА

Ҳар қандай таълим тизимининг асоси бўлиб, юқори сифатли ва юқори технологияли ахборот-таълим муҳити ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида, ҳар бир олий таълим муассасаси олдида мураккаб ва кўп омилли, яъни нафақат бугунги кун талабларини, балки истиқболини эътиборга олган ҳолда мутахассис кадрлар тайёрлашнинг ахборот-таълим муҳитини яратиш вазифаси турганлигини англатади, натижада уларнинг билим, малака ва кўникмаларини шакллантиришга ёрдам берувчи мотивациянинг ошишига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-4699-сонли Қарори (Манба: <https://lex.uz/docs/4800657>).
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.
3. Шаронин Ю.В. Цифровые технологии в высшем и профессиональном образовании: от личносно ориентированной smart-дидактики к блокчейну в целевой подготовке специалистов. Современные проблемы науки и образования. ISSN: 2070-7428 <https://elibrary.ru/item.asp?id=37031954> М., 2019. – 94 с.
4. Лутфиллаев М.Х., Ш.М.Хасанов. Разработка и внедрение виртуальных ресурсов в методической системе на основе компьютерных имитационных моделей для инклюзивного образования // LAP Lambert Academic Publiting, Germani.- 2020. -167 p.
5. Вербицкий А.А., Цифровое обучение: проблемы, риски и перспективы// Электронный научно-публицистический журнал “Номо Cyberus”. - 2019. - №1(6).